


ПРЕДВЫБОРНЫЕ ПРОГРАММЫ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ, УЧАСТВУЮЩИХ В ВЫБОРАХ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЫ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



Для повышения благосостояния народа мы выдвигаем следующие инициативы, состоящие из 500 задач по 5 конкретным целям:

- увеличение валового внутреннего продукта до 160 миллиардов долларов, а доход на душу населения – до 4 тысяч долларов;
- принятие всех необходимых мер для увеличения числа предпринимателей на более чем 3 миллиона человек;
- дальнейшее упрощение ведения бизнеса, сокращение количества лицензий в 2 раза, отмена около 1000 бюрократических требований;
- упрощение налогового администрирования, создание справедливых и равных условий уплаты налогов для предпринимателей;
- резкое сокращение участия государства в экономике, увеличение доли частного сектора за счет приватизации государственной собственности;
- обеспечение неприкосновенности частной собственности, усиление уголовной ответственности за порчу имущества;
- отмена проверок предпринимателей, которые осуществляют законную деятельность и вовремя оплачивают налоги;
- развитие цифровой экономики, инноваций, стимулирование эффективного использования искусственного интеллекта;
- предоставление гарантированных кредитных каникул для граждан, оказавшихся в трудной ситуации;
- гарантирование полного удовлетворения потребности в дошкольном образовании;
- усиление бесплатного медицинского и необходимого социального обслуживания пожилых людей старше 70 лет;
- кардинальное улучшение качества образования и создание дополнительных 2,5 миллиона учебных мест к 2030 году;
- строительство для вузов дополнительных учебных корпусов на 120 тысяч мест и студенческих общежитий на 150 тысяч мест;
- строительство домов на 1 миллион квартир за счет выделения в строительную сферу 15 миллиардов долларов;
- увеличение к 2030 году объема ежегодных средств, выделяемых на сферу медицины в 2 раза;
- увеличение объема альтернативной энергетики в 2,5 раза и доведение ее доли в общей энергетике до 40 процентов;
- принятие Национальной программы «Мусаффо хаво – 2030» по улучшению качества воздуха во всех регионах;
- внедрение системы покрытия 50 процентов затрат фермеров и дехкан, внедривших водосберегающие технологии;
- обеспечение неприкосновенности частной жизни граждан, защита их средств от мошенников и киберпреступников;
- принятие мер по резкому снижению дорожно-транспортных происшествий, ужесточение уголовной ответственности за это;
- продолжение открытой, прагматичной и активной внешней политики;
- обеспечение религиозной толерантности и межэтнического согласия в нашей стране;
- непрерывная забота о трудовых мигрантах и членах их семей и совершенствование системы социального страхования;
- всемерная поддержка сферы национальной безопасности, повышение обороноспособности страны.

Для нас самое главное – не обещания, а результаты, не завтра, а сегодня!

Ценности, которые мы продвигаем: свобода, неприкосновенность частной собственности, правовое государство.

Честь и достоинство человека превыше всего!



Демократическая партия «Миллий Тикланиш» считает своей главной целью построение мощного государства, законы которого находятся в гармонии с национальными и общечеловеческими ценностями, и построение процветающего общества с высокими человеческими ценностями.

Партия рассматривает узбекский народ как историческую и политическую гарантию существования Республики Узбекистан и его будущего. Целью партии является улучшение национального образования, основанного на духовном наследии наших предков и признанных общечеловеческих ценностях, а также укрепление национального единства на основе инклюзивной политики.

Партия демонстрирует свою приверженность идеалам национальной независимости на всех этапах развития, выступает за бескомпромиссную защиту национальных интересов при любых обстоятельствах.

«Миллий тикланиш» уважает язык, культуру, обычаи и традиции всех наций и народов, проживающих в нашей стране. Наряду с непрерывным образованием партия приложит все усилия для формирования системы непрерывного образования и обеспечения гармонии.

Партия считает необходимым, а также стремится обеспечить приоритет национальных интересов во всех сферах, чтобы каждый гражданин знал государственную политику, чтобы все документы и внешний вид любого юридического лица, действующего в Узбекистане, велись на государственном языке, чтобы каждый гражданин уважал историю, язык, литературу и культуру узбекской нации и государственности.


В связи с этим партия считает своими первоочередными задачами реализацию следующих задач, представляя вниманию избирателей предвыборную программу, включающую 7 направлений, 25 разделов и 144 предложения:

- внедрение прозрачной системы набора педагогов в образовательные учреждения на конкурсной основе;
- издательское дело – введение льгот по налогу на добавленную стоимость при производстве книг и их реализации;
- принятие закона, направленного на запрет электронных сигарет, снюса и других видов продукции, содержащей никотиновую смесь;
- регулярное сокращение количества государственных служащих;
- введение гибкого графика работы для женщин;
- предлагаем продолжение работы по специализации судьи по семейным спорам;
- предоставление родившим женщинам оплачиваемого отпуска по беременности и родам до достижения ребенком трехлетнего возраста;
- обеспечение стабильности рыночных цен на важнейшие потребительские товары.

При этом партия последовательно пропагандирует патриотизм в стране, исходя из принципа, что «народ – единственный источник существования государства, а государство – крепость единства, целостности и существования народа». Мы считаем, что необходимо укреплять основы рыночной экономики, основанной на ценностях.

Наши цели, стремления и будущее одинаковы. Мы едины, мы из Узбекистана!

Мы объединимся вокруг идеи «развитие на основе ценностей» и вместе обеспечим развитие нашей страны!




Экологическая партия Узбекистана выдвигает идею создания благоприятной среды для нынешнего и будущих поколений, перехода к безопасной и эффективной зеленой экономике, формирования стабильного общества, в котором гармония человека и природы является приоритетом устойчивого развития страны.

Главная цель партии – достижение устойчивого развития, экологической безопасности страны, создание благоприятной среды для нынешнего и будущих поколений и обеспечение реализации государственной политики, направленной на сохранение природных ресурсов.

Партия ставит перед собой следующие основные задачи:

- увеличение к 2030 году доли экологически чистых и возобновляемых источников энергии в энергобалансе не менее чем в два раза;
- разработка и принятие Стратегии зеленой энергетики, направленной на развитие возобновляемых источников энергии;
- определение обязательности установления энерго-госберегающих технологий на объектах государственных учреждений, многоквартирных домах и объектах площадью свыше 1000 м²;
- поэтапный отказ от использования в стране упаковочной продукции, содержащей полиэтилен, полиамид, разовой пластиковой посуды;
- сокращение в 2 раза объема вредных газов, выбрасываемых в атмосферный воздух;
- замена традиционных пассажирских поездов современными высокоскоростными поездами и оптимизация проездных цен за перевозку;
- создание за счет проезжей части автомобильных дорог инфраструктуры для междугородного велосипедного движения, отдельных полос для передвижения на велосипедах и скутерах;
- объявление бессрочного моратория на использование растений, занесенных в Красную книгу Узбекистана, и на охоту на диких животных;
- введение порядка лишения права на владение землей предпринимателей, незаконно вырубивших деревья в целях строительства;
- четкое определение в законе механизмов обязательного общественного обсуждения строительства зданий и многоквартирных домов в городах;
- перевод регулирования безопасности дорожного движения из подзаконных актов на регулирование на основе закона;
- создание специализированных судов для рассмотрения экологических правонарушений и уголовных дел;
- принятие государственной программы по созданию экологических «Чистого города» и «Населенного пункта»;
- запрет с 2030 года продажи табачных изделий лицам, родившимся после 1 января 2009 года;
- включение предмета экологии как отдельного предмета (занятия) в учебные программы детских садов и школ;
- достижение сохранения природных ресурсов, биоразнообразия путем создания Центральноазиатского экологического союза как одной из крупнейших негосударственных организаций в регионе.




Народно-демократическая партия Узбекистана определяет свои программные цели исходя из приоритета национальных интересов, таких как эффективная реализация принципа «Узбекистан – социальное государство» и соответствующих обязательств государства о социальной защите, социальном равенстве и социальной справедливости.

Цель партии – проведение эффективной политики по созданию достойных условий жизни для каждого на основе принципов социального равенства и справедливости, преодолению социальных различий, оказанию помощи нуждающимся, сокращению бедности, обеспечению населения новыми рабочими местами и гарантированным источниками дохода.

Для достижения этих целей партия определила приоритеты, состоящие из 15 стратегических шагов:

- обеспечение социальной стабильности посредством проведения сильной социальной политики;
 - создание достойных условий жизни для каждого человека на основе принципов социального равенства и справедливости;
 - защита прав и интересов лиц с ограниченными возможностями;
 - оставление пенсионного возраста без изменений, выплата пенсий и пособий, достаточных для полного удовлетворения жизненных потребностей человека;
 - в трудовом стаже, необходимом для назначения пенсии женщинам, – учет в полном объеме времени нахождения в отпуске по уходу за ребенком;
 - обеспечение населения доступным жильем и установление эффективного контроля в сфере строительства;
 - обеспечение населения качественными коммунальными услугами;
 - выплата компенсаций населению поставщиками коммунальных услуг при отключении услуг по вине поставщика;
 - создание возможностей для квалифицированного медицинского обслуживания для всех, обеспечение доступности приобретения лекарственных средств, протезов и других медико-социальных услуг для нуждающегося населения;
 - создание условий для лиц без профессионального образования по повышению своего социального статуса путем приобретения профессии;
 - сохранение активной роли и участия государства в экономике;
 - установление государственного и общественного контроля за ценами на социально значимые товары и услуги;
 - поддержка местных инвесторов, в том числе предоставление им тех же льгот, что и иностранным инвесторам;
 - внедрение национальной модели обязательного социального страхования по безработице;
 - обязательное общественное обсуждение нормативных актов, влияющих на социальные настроения населения;
 - введение 50-процентных квот для женщин на руководящих должностях в государственных органах.
- Мы – за обеспечение благосостояния каждого человека!



Наша главная цель – построение правового государства, в котором обеспечено верховенство Конституции и законов, а также защищены права и свободы человека.

Мы предпримем меры по укреплению доверия граждан к правосудию путем создания справедливой и независимой судебной системы. С целью создания удобств для граждан и повышения качества и эффективности деятельности судов мы организуем суды по гражданским делам в каждом районе и городе.

Независимость судей является важным критерием повышения доверия граждан к судебной власти. С целью обеспечения высокого уровня гарантий прав судей и оптимизации их рабочей нагрузки мы разрабатываем закон Республики Узбекистан «О статусе судей».

Для СДПУ «Адолат» высшей ценностью являются человек, его права и свободы! В этих целях мы выдвигаем предложение по эффективной организации деятельности правоохранительных органов в защите прав и свобод граждан, особенно по кардинальному повышению правовой культуры сотрудников органов внутренних дел, ответственности за соблюдение прав человека, обеспечению того, чтобы все инспектора профилактики в махаллях имели высшее юридическое образование.

Предлагаем принять закон «О государственной компенсации», предусматривающий возмещение государством ущерба, причиненного незаконными решениями, действиями или бездействием государственных органов или должностных лиц.

Предлагаем усилить в законодательстве меры наказания за систематическое нарушение водителями правил дорожного движения, в том числе пожизненное лишение водительских прав в случае вождения транспортного средства в состоянии опьянения или причинения тяжких последствий.

В целях усиления полномочий депутатов в регионах и совершенствования механизма их сдерживания в правоотношениях с хокимами мы выступаем за предоставление депутатам местных Кенгашей права выразить вотум недоверия в отношении соответствующих хокимов.

Мы считаем абсолютно недопустимым вмешательство какого-либо должностного лица в деятельность журналистов и блогеров, осуществляемую в рамках закона, или оказание на них давления. Предлагаем установить ответственность за подобные действия.

В соответствии с принципом «Кто больше зарабатывает, тот больше платит налогов» и в целях реализации справедливой и эффективной налоговой и бюджетной политики мы внедрим прогрессивные ставки налогообложения и тем самым добьемся снижения неравенства доходов.

Мы будем бороться за справедливость и истину!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРЛАРИ

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ХАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ- ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Халқимиз фаровонлиги учун 5 мақсад ва 500 вазифадан иборат куйидаги ташаббусларни илгари сураимиз:

- ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромадни эса 4 минг долларга етказиш;
- тадбиркорлар сонини 3 миллион нафардан ошириш учун барча зарур чораларни кўриш;
- бизнес юритишни янада соддалаштириш, лицензиялар сонини 2 бараварга қисқартириш, 1000 га яқин бюрократик талабларни бекор қилиш;
- солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, тадбиркорлар учун солиқ тўлашда адолатли ва тенг шароитлар яратиш;
- иқтисодда давлат иштирокини кескин қисқартириш, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали иқтисодда хусусий сектор улушини ошириш;
- хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, мулкка зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш;
- қонуний ишлаётган ва солиқларни вақтида тўлаётган тадбиркорларни текширмаслик;
- 2,5 миллионга юқори даромадли иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш;
- рақамли иқтисодиёт, инновацияларни ривожлантириш, сунъий интеллектдан унумли фойдаланишни рағбатлантириш;
- оғир вазиятга тушиб қолганлар учун кафолатланган тарзда кредит таътилларини бериш;
- мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондиришни кафолатлаш;
- 70 ёшдан ошган кексаларга бепул тиббий ва зарур ижтимоий хизматларни кучайтириш;
- 2030 йилгача кўшимча 2,5 млн ўқувчи ўрнини яратган ҳолда таълим сифатини тубдан яхшилаш;
- олийгоҳлар учун кўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ва 150 минг ўринли талабалар турар жойларини қуриш;
- қурилиш соҳасига 15 миллиард доллар маблағни йўналтириш орқали 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш;
- 2030 йилга қадар тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажмини 2 карра ошириш;
- муқобил энергияни 2,5 баробарга ошириб, умумий энергияда улушини 40 фоизга етказиш;
- барча худудларда ҳавони яхшилашга қаратилган “Мусаффо ҳаво – 2030” миллий дастурини қабул қилиш;
- сув тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер ва деҳқонлар харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш тизимини жорий этиш;
- фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш, маблағларини кибержиноятчилардан ҳимоя қилиш;
- йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайтириш чораларини кўриш, жиноий жавобгарликни кучайтириш;
- очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсатни давом эттириш;
- мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;
- меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларига домий ғамхўрлик қилиш ва ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш;
- миллий хавфсизлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакат мудофаа салоҳиятини юксалтириш.

Биз учун энг муҳими:
Ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!
Биз илгари сураётган қадриятлар:
Эркинлик. Мулк дахлсизлиги. Ҳуқуқий давлат!
Инсон қадри ҳар нарсадан улур!



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

“Миллий тикланиш” демократик партияси қудратли давлат қуришга таянган ҳолда қонунлари миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадри баланд ҳамда фаровон жамият қуришни ўзининг бош мақсади деб ҳисоблайди.

Партия ўзбек халқини Ўзбекистон Республикасининг борлиги ҳамда келажагининг тарихий-сиёсий кафолати деб билади. Партия аждодларимиз маънавий мероси ва эътироф этилган умуминсоний қадриятлар негизда миллий тарбияни юксалтириш, инклюзив сиёсатга асосланган ҳолда миллий бирликни мустақамлаш йўлидан боради.

Партия тараққиётнинг ҳар бир босқичида миллий мустақиллик ғояларига содиқлигини намоён этиб, ҳар қандай шароитда миллий манфаатларни мурасасиз ҳимоя қилиш тарафдоридир.

“Миллий тикланиш” юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилади. Партия узлуксиз таълим билан бир қаторда узлуксиз тарбия тизимини шакллантириш, узлуксиз тарбия ва таълим уйғунлигини таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солади.

Партия барча соҳада миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш учун курашишни, ҳар бир фуқаро давлат тилини билиши, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай юридик шахснинг барча ҳужжатлари, ташқи ёзувлар давлат тилида юритилишини, ҳар бир фуқаронинг ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, тили ва адабиёти ҳамда маданиятига ҳурмат билан қаралиши лозим деб ҳисоблайди.

Партия бу борада 7 та йўналиш, 25 та бўлим ва 144 та таклифни ўз ичига олган сайловолди дастурини сайловчилар эътиборига ҳавола қилган ҳолда, куйидагиларни амалга оширишни ўзининг энг устувор вазифалари деб ҳисоблайди:

- педагогларни таълим муассасаларига танлов асосида ишга қабул қилишнинг шаффоф тизимини жорий этиш;
- ноширлик – китоб ишлаб чиқариш ва унинг сотилишида қўлланиладиган кўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар жорий этиш;
- электрон сигареталар, снослар, таркибида никотин аралашмаси бўлган бошқа турдаги воситаларни тақиқлашга қаратилган қонун қабул қилиш;
- давлат хизматчилари сонини мунтазам камайтириб бориш;
- аёллар учун мослашувчан иш вақтини жорий қилиш;
- оилавий низоларни кўриб чиқиш бўйича судьяларни ихтисослаштириш ишларини давом эттириш;
- фарзанд кўрган аёлларга бола уч ёшга тўлгунча қадар ҳақ тўланадиган “Аналик таътили” бериш;
- энг муҳим истеъмол товарларининг бозор нархлари барқарорлигини таъминлаш.

Партия, шу билан бирга, “Халқ давлатнинг мавжудлиги учун ягона манба, давлат эса халқ учун бирлик, бутунлик ва борлик кўргони” тамойили асосида мамлакатда ватанпарварликни изчил тарғиб қилади. Қадриятларга асосланган бозор иқтисодиёти асосларини мустақамлаш лозим деб ҳисоблайди.

Бизнинг мақсадларимиз, интилишларимиз ва келажагимиз ҳам бир. Биз – бирмиз, Ўзбекистонликмиз! “Қадриятларга таянган тараққиёт” ғояси атрофида бирлашиб, мамлакатимиз тараққиётини биргаликда таъминлаймиз!



ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатнинг барқарор ривожланиши йўлида бугунги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш, хавфсиз ва самарали яшил иқтисодиётга ўтиш, инсон ва табиат уйғунлиги устувор бўлган барқарор жамият барпо этиш ғоясини илгари суради.

Партиянинг бош мақсади – мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, экологик хавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни таъминлашдан иборат.

Партия куйидаги асосий вазифаларни илгари суради:

- 2030 йилгача энергия балансида экологик тоза ва қайта тикланадиган энергия манбалари улушини камида икки карра ошириш;
- қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган Яшил энергетика стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- давлат муассасалари объектлари, кўп квартирали уйлар ва майдони 1 000 м²дан ортиқ бўлган объектлар учун энергия тежовчи технологияларни ўрнатишни мажбурий этиб белгилаш;
- мамлакатда полиетилен, полиамид таркибли қадоқлаш маҳсулотлари, бир марталик ишлатиладиган пластик идишлардан фойдаланишдан босқичма-босқич воз кечиш;
- атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини 2 баробарга камайтириш;
- аънавий йўловчи ташиш поездларини замонавий тезюар поездларга алмаштириш ва ташиш учун йўл ҳақи нархларини мақбуллаштириш;
- автомобиль йўли қатнов қисми ҳисобидан скутерлар ва велосипедларда ҳаракатланиши учун алоҳида йўлакларни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ўсимликлардан фойдаланишга ва ёввойи ҳайвонларни ов қилишга мўддатсиз мораторий эълон қилиш;
- қурилиш мақсадларида дарахтларни ноқонуний кесган тадбиркорларнинг ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш тартибини жорий қилиш;
- шаҳарларда бино ва кўп квартирали уйлар қурилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш механизмларини қонунда аниқ белгилаш;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солишни қонуности ҳужжатларидан, қонун асосида тартибга солишга ўтказиш;
- экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ва жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича ихтисослашган судларни ташкил этиш;
- экологик “Тоза шаҳар” ва “Аҳоли яшаш пункти”ни яратиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш;
- 2009 йил 1 январдан кейин туғилган шахсларга 2030 йилдан бошлаб тамаки маҳсулотлари сотилишини тақиқлаш;
- боғча ва мактаблар ўқув дастурларида экология фанини алоҳида фан сифатида киритиш;
- минтақадаги йирик нодавлат ташкилотлардан бири сифатида Марказий Осиё экологик иттифоқини ташкил этиш орқали табиий ресурслар, биохилма-хилликни сақлаб қолишга эришиш.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларини аввало, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини юзага чиқариш орқали “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилини ва давлатнинг тегишли ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланиб белгилайди.

Партиянинг мақсади ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, мухтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсатни амалга оширишдан иборат.

Ушбу мақсадларга эришиш учун партия 15 та стратегик қадамдан иборат устувор вазифаларни белгилаб олган:

- кучли ижтимоий сиёсат орқали ижтимоий барқарорликни таъминлаш;
- ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- пенсия ёшини ўзгартирмасдан, пенсия ва ижтимоий нафақаларни инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга эришиш;
- аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига барча боласини парваришлаш таътилларида бўлган вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш;
- аҳолини эрон уй-жой билан таъминлаш ҳамда қурилиш соҳасида самарали назоратни амалга ошириш;
- аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;
- фуқаро коммунал хизматлардан таъминотчининг айби билан узилганда таъминотчи томонидан фуқарога компенсация тўлаш;
- барча учун малакали тиббий хизмат имкониятларини яратиш, аҳоли соғлигини сақлаш, дори-дармонлар, протез-ортопедия воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий ёрдамларни имтиёзли тақдим этишни ривожлантириш;
- касбий таълим олмаган шахслар учун мустақил равишда касб эгаллаш орқали ўз ижтимоий ҳолатини яхшилашга шарт-шароитлар яратиш;
- иқтисодиётда давлатнинг роли ва иштирокини сақлаб қолиш;
- ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархлари устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
- маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, уларга хорижий инвесторлар билан бир хил имтиёзлар бериш;
- ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий суғурта миллий моделини жорий этиш;
- аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи қарор лойиҳаларини мажбурий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш;
- давлат органлари раҳбарлик лавозимларида аёллар улушини 50 фоизлик квотасини жорий этиш.

Биз – ҳар бир инсон фаровонлигини таъминлаш тарафдоримиз!



АДОЛАТ СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Бош мақсадимиз Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлат қуришдир.

Адолатли ва мустақил суд тизимини яратиш орқали фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустақамлаш чораларини кўраимиз. Фуқароларга енгиллик яратиш ҳамда судлар фаолиятида сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда Фуқаролик ишлари бўйича судларни ташкил этамиз.

Фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини оширишда судьяларнинг мустақил бўлиши муҳим мезон бўлиб, судьялар ҳуқуқларини юқори даражада кафолатлаш ва иш юктамаларини мақбуллаштириш мақсадида “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини ишлаб чиқамиз.

“Адолат” СДП учун олий қадрият бу – инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир! Шу мақсадда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали ташкил этиш, айниқса, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти, инсон ҳуқуқларига риоя этиш масъулиятини тубдан ошириш, маҳаллалардаги профилактика инспекторларининг барчаси олий юридик маълумотга эга бўлишини таъминлаш таклифини илгари сураимиз.

Давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланишини назарда тутувчи “Давлат компенсацияси тўғрисида” қонун қабул қилишни таклиф этамиз.

Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини мунтазам бузганлик учун қонун ҳужжатларида жазо чораларини кучайтириш, шу жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолатларда умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишни таклиф этамиз.

Ҳудудларда депутатлар ваколатини кучайтириш ва уларнинг ҳокимлар билан ҳуқуқий муносабатларда ўзаро тийиб туриш механизмини такомиллаштириш мақсадида маҳаллий Кенгаш депутатларига тегишли ҳокимларга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқини бериш тарафдоримиз.

Биз журналист ва блогерларнинг қонун доирасидаги фаолиятига бирор-бир мансабдор шахс аралашши ёки уларга босим ўтказишини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат деб ҳисоблаймиз. Бундай қилмиш учун жавобгарлик белгиланиши таклиф этамиз.

“Кўп даромад топган кўп солиқ тўлайди” тамойилига кўра ҳамда адолатли ва самарали солиқ ва бюджет сиёсатини амалга ошириш мақсадида солиққа тортишнинг прогрессив ставкаларини ҳаётга жорий этиш ва шу орқали даромадлар тенгсизлигини камайтиришга эришамиз.

Биз адолат ва қонун устуворлиги учун курашамиз!

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI

QONUNCHILIK PALATASI DEPUTATLARI SAYLOVIDA ISHTIROK ETAYOTGAN SIYOSIY PARTIYALARNING SAYLOVOLDI DASTURLARI

SAYLOV
2024
27-OKTABR
MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON EKOLOGIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Xalqimiz farovonligi uchun 5 maqsad va 500 vazifadan iborat quyidagi tashabbuslarni ilgari suramiz:

- yalpi ichki mahsulot hajmini 160 milliard dollarga, aholi jon boshiga daromadni esa 4 ming dollarga yetkazish;
 - tadbirkorlar sonini 3 million nafardan oshirish uchun barcha zarur choralarini ko'rish;
 - biznes yuritishni yanada soddalashtirish, litsenziyalar sonini 2 baravarga qisqartirish, 1000 ga yaqin byurokratik talablarni bekor qilish;
 - soliq ma'murchiligini soddalashtirish, tadbirkorlar uchun soliq to'lashda adolatli va teng sharoitlar yaratish;
 - iqtisodda davlat ishtirokini keskin qisqartirish, davlat mulkini xususiyashtirish orqali iqtisodda xususiy sektor ulushini oshirish;
 - xususiy mulk daxlsizligini ta'minlash, mulkka zarar yetkazganlik uchun jinoyi javobgarlikni kuchaytirish;
 - qonuniy ishlayotgan va soliqlarni vaqtda to'layotgan tadbirkorlarni tekshirmaslik;
 - 2,5 millionta yuqori daromadli ish o'rinlarini yaratish, kambag'allikni qisqartirish;
 - raqamli iqtisodiyot, innovatsiyalarni rivojlantirish, sun'iy intellektdan unumli foydalanishni rag'batlantirish;
 - og'ir vaziyatga tushib qolganlar uchun kafolatlangan tarzda kredit ta'tillarini berish;
 - maktabgacha ta'limga bo'lgan ehtiyojni to'liq qondirishni kafolatlash;
 - 70 yoshdan oshgan keksalarga bepul tibbiy va zarur ijtimoiy xizmatlarni kuchaytirish;
 - 2030-yilgacha qo'shimcha 2,5 mln o'quvchi o'rnini yaratgan holda ta'lim sifatini tubdan yaxshilash;
 - oliygohlar uchun qo'shimcha 120 ming o'rinli o'quv binolari va 150 ming o'rinli talabalar turar joylarini qurish;
 - qurilish sohasiga 15 milliard dollar mablag'ni yo'naltirish orqali 1 million xonadonli uy-joylar qurish;
 - 2030-yilga qadar tibbiyotga ajratiladigan yillik mablag'lar hajmini 2 karra oshirish;
 - muqobil energiyani 2,5 barobarga oshirib, umumiy energiyada ulushini 40 foizga yetkazish;
 - barcha hududlarda havoni yaxshilashga qaratilgan "Musaffo havo – 2030" milliy dasturini qabul qilish;
 - suv tejaydigan texnologiyalarni joriy qilgan fermer va dehqonlar xarajatining 50 foizini qoplab berish tizimini joriy etish;
 - fuqarolarning shaxsiy hayot daxlsizligini ta'minlash, mablag'larini kiberjinoyatchilardan himoya qilish;
 - yo'l-transport hodisalarini keskin kamaytirish choralarini ko'rish, jinoyi javobgarlikni kuchaytirish;
 - ochiq, pragmatik va faol tashqi siyosatni davom ettirish;
 - mamlakatimizda diniy bag'rikenglik va millatlararo tutuvlikni ta'minlash;
 - mehnat migrantlari va ularning oila a'zolariga doimiy g'amxo'rlik qilish va ijtimoiy sug'urta tizimini takomillashtirish;
 - milliy xavfsizlik sohasini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, mamlakat mudofaa salohiyatini yuksaltirish.
- Biz uchun eng muhimi:
Va'da emas – natija, ertaga emas – bugun!
Biz ilgari surayotgan qadriyatlar:
Erkinlik. Mulk daxlsizligi. Huquqiy davlat!
Inson qadri har narsadan ulug'!

"Milliy tiklanish" demokratik partiyasi qudratli davlat qurishga tayangan holda qonunlari milliy va umuminsoniy qadriyatlarga uyg'un, inson qadri baland hamda farovon jamiyat qurishni o'zining bosh maqsadi deb hisoblaydi.

Partiya o'zbek xalqini O'zbekiston Respublikasining borlig'i hamda kelajagining tarixiy-siyosiy kafolati deb biladi. Partiya ajdodlarimiz ma'naviy merosi va e'tirof etilgan umuminsoniy qadriyatlar negizida milliy tarbiyani yuksaltirish, inklyuziv siyosatga asoslangan holda milliy birlikni mustahkamlash yo'lidan boradi.

Partiya taraqqiyotning har bir bosqichida milliy mustaqillik g'oyalari sodiqligini namoyon etib, har qanday sharoitda milliy manfaatlarini murosasiz himoya qilish tarafdoridir.

"Milliy tiklanish" yurtimizda yashovchi barcha millat va elatlarning tili, madaniyati, urf-odatlarini, an'analarni hurmat qiladi. Partiya uzluksiz ta'lim bilan bir qatorda uzluksiz tarbiya tizimini shakllantirish, uzluksiz tarbiya va ta'lim uyg'unligini ta'minlash uchun bor imkoniyatlarni ishga soladi.

Partiya barcha sohada milliy manfaatlar ustuvorligini ta'minlash uchun kurashishni, har bir fuqaro davlat tilini bilishi, O'zbekistonda faoliyat ko'rsatayotgan har qanday yuridik shaxsning barcha hujjatlari, tashqi yozuvlar davlat tilida yuritilishini, har bir fuqaroning o'zbek xalqi va davlatchiligi tarixi, tili va adabiyoti hamda madaniyatiga hurmat bilan qaralishi lozim deb hisoblaydi.

Partiya bu borada 7 ta yo'nalish, 25 ta bo'lim va 144 ta taklifni o'z ichiga olgan saylovoldi dasturini saylovchilar e'tiboriga havola qilgan holda, quyidagilarni amalga oshirishni o'zining eng ustuvor vazifalari deb hisoblaydi:

- pedagoglarni ta'lim muassasalariga tanlov asosida ishga qabul qilishning shaffof tizimini joriy etish;
- noshirlik – kitob ishlab chiqarish va uning sotilishida qo'llaniladigan qo'shimcha qiymat solig'i bo'yicha imtiyozlar joriy etish;
- elektron sigaretalar, snyuslar, tarkibida nikotin aralashmasi bo'lgan boshqa turdagi vositalarni taqiqlashga qaratilgan qonun qabul qilish;
- davlat xizmatchilari sonini muntazam kamaytirib borish;
- ayollar uchun moslashuvchan ish vaqtini joriy qilish;
- oilaviy nizolarni ko'rib chiqish bo'yicha sudyalarni ixtisoslashtirish ishlarini davom ettirish;
- farzand ko'rgan ayollarga bola uch yoshga to'lguniga qadar haq to'lanadigan "Onalik ta'tili" berish;
- eng muhim iste'mol tovarlarining bozor narxlarini barqarorligini ta'minlash.

Partiya, shu bilan birga, "Xalq davlatning mavjudligi uchun yagona manba, davlat esa xalq uchun birlik, butunlik va borlik qo'rg'oni" tamoyili asosida mamlakatda vatanparvarlikni izchil targ'ib qiladi. Qadriyatlarga asoslangan bozor iqtisodiyoti asoslarini mustahkamlash lozim deb hisoblaydi.

Bizning maqsadlarimiz, intilishlarimiz va kelajagimiz ham bir. Biz – birmiz, O'zbekistonlikmiz!

"Qadriyatlarga tayangan taraqqiyot" g'oyasi atrofida birlashib, mamlakatimiz taraqqiyotini birgalikda ta'minlaymiz!

O'zbekiston Ekologik partiyasi mamlakatning barqaror rivojlanishi yo'lida bugungi va kelajak avlod uchun qulay atrof-muhitni yaratish, xavfsiz va samarali yashil iqtisodiyotga o'tish, inson va tabiat uyg'unligi ustuvor bo'lgan barqaror jamiyat barpo etish g'oyasini ilgari suradi.

Partiyaning bosh maqsadi – mamlakatimizning barqaror rivojlanishiga, ekologik xavfsizligiga erishish, hozirgi va kelajak avlod uchun qulay atrof-muhitni yaratish hamda tabiiy resurslarni saqlashga yo'naltirilgan davlat siyosatini ro'yobga chiqarishni ta'minlashdan iborat.

Partiya quyidagi asosiy vazifalarni ilgari suradi:

- 2030-yilgacha energiya balansida ekologik toza va qayta tiklanadigan energiya manbalari ulushini kamida ikki karra oshirish;
- qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirishga qaratilgan Yashil energetika strategiyasini ishlab chiqish va qabul qilish;
- davlat muassasalari obyektlari, ko'p kvartirali uylar va maydoni 1 000 m²dan ortiq bo'lgan obyektlar uchun energiya tejovchi texnologiyalarni o'rnatishni majburiy etib belgilash;
- mamlakatda polietilen, poliamid tarkibli qadoqlash mahsulotlari, bir martalik ishlatiladigan plastik idishlardan foydalanishdan bosqichma-bosqich voz kechish;
- atmosfera havosiga chiqarilayotgan zararli gazlar miqdorini 2 barobarga kamaytirish;
- an'anaviy yo'lovchi tashish poyezdlarini zamonaviy tezyurar poyezdlarga almashtirish va tashish uchun yo'l haqi narxlarini maqbullashtirish;
- avtomobil yo'li qatnov qismi hisobidan skuterlar va velosipedlarda harakatlanishi uchun alohida yo'laklarni tashkil etish;
- O'zbekiston Qizil kitobiga kiritilgan o'simliklardan foydalanishga va yovvoyi hayvonlarni ov qilishga muddatsiz moratoriy e'lon qilish;
- qurilish maqsadlarida daraxtlarni noqonuniy kesgan tadbirkorlarning yerga bo'lgan huquqini bekor qilish tartibini joriy qilish;
- shaharlarda bino va ko'p kvartirali uylar qurilishini majburiy tartibda jamoatchilik muhokamasidan o'tkazish mexanizmlarini qonunda aniq belgilash;
- yo'l harakati xavfsizligini tartibga solishni qonunosti hujjatlaridan, qonun asosida tartibga solishga o'tkazish;
- ekologiya sohasidagi huquqbuzarliklarni va jinoyi ishlarni ko'rib chiqish bo'yicha ixtisoslashgan sudlarni tashkil etish;
- ekologik "Toza shahar" va "Aholi yashash punkti"ni yaratish bo'yicha davlat dasturini qabul qilish;
- 2009-yil 1-yanvardan keyin tug'ilgan shaxslarga 2030-yildan boshlab tamaki mahsulotlari sotilishini taqiqlash;
- bog'cha va maktablar o'quv dasturlarida ekologiya fanini alohida fan sifatida kiritish;
- mintaqadagi yirik nodavlat tashkilotlardan biri sifatida Markaziy Osiyo ekologik ittifoqini tashkil etish orqali tabiiy resurslar, bioxilma-xillikni saqlab qolishga erishish.

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi o'z dasturiy maqsadlarini avvalo, ijtimoiy himoya, ijtimoiy tenglik va ijtimoiy adolat tamoyillarini yuzaga chiqarish orqali "O'zbekiston – ijtimoiy davlat" tamoyilini va davlatning tegishli ijtimoiy majburiyatlarini samarali amalga oshirish kabi umummilliy manfaatlar ustuvorligiga asoslanib belgilaydi.

Partiyaning maqsadi har bir inson uchun ijtimoiy tenglik va adolat tamoyillari asosida munosib yashash sharoitini yaratish, ijtimoiy tafovutlarni kamaytirish, muhtojlarga yordam berish, kambag'allikni qisqartirish, aholini yangi ish o'rinlari va kafolatli daromad manbai bilan ta'minlash bo'yicha samarali siyosatni amalga oshirishdan iborat.

Ushbu maqsadlarga erishish uchun partiya 15 ta strategik qadamdan iborat ustuvor vazifalarni belgilab olgan:

- kuchli ijtimoiy siyosat orqali ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash;
 - har bir inson uchun ijtimoiy tenglik va adolat tamoyillari asosida munosib yashash sharoitini yaratish;
 - nogironligi bo'lgan shaxslarning huquq va manfaatlarini himoya qilish;
 - pensiya yoshini o'zgartirmasdan, pensiya va ijtimoiy nafaqalarni insonning hayotiy ehtiyojlarini to'laqonli qondirishga erishish;
 - ayollarga pensiya tayinlash uchun zarur bo'lgan ish stajiga barcha bolasini parvarishlash ta'tillarida bo'lgan vaqtini to'liq qo'shib hisoblash;
 - aholini arzon uy-joy bilan ta'minlash hamda qurilish sohasida samarali nazoratni amalga oshirish;
 - aholiga sifatli kommunal xizmat ko'rsatish darajasini oshirish;
 - fuqaro kommunal xizmatlardan ta'minotchining aybi bilan uzilganda ta'minotchi tomonidan fuqaroga kompensatsiya to'lash;
 - barcha uchun malakali tibbiy xizmat imkoniyatlarini yaratish, aholi sog'ligini saqlash, dori-darmonlar, protez-ortopediya vositalari va boshqa tibbiy-ijtimoiy yordamlarni imtiyozli taqdim etishni rivojlantirish;
 - kasbiy ta'lim olmagan shaxslar uchun mustaqil ravishda kasb egallash orqali o'z ijtimoiy holatini yaxshilashga shart-sharoitlar yaratish;
 - iqtisodiyotda davlatning roli va ishtirokini saqlab qolish;
 - ijtimoiy ahamiyatga ega tovar va xizmatlarning narxlaridan davlat va jamoatchilik nazoratini o'rnatish;
 - mahalliy investorlarni qo'llab-quvvatlash, shu jumladan, ularga xorijiy investorlar bilan bir xil imtiyozlar berish;
 - ishsizlik bo'yicha majburiy ijtimoiy sug'urta milliy modelini joriy etish;
 - aholining ijtimoiy kayfiyatiga ta'sir ko'rsatuvchi qaror loyihalarini majburiy jamoatchilik muhokamasidan o'tkazish;
 - davlat organlari rahbarlik lavozimlarida ayollar ulushini 50 foizlik kvotasini joriy etish.
- Biz – har bir inson farovonligini ta'minlash tarafdorimiz!

Bosh maqsadimiz Konstitutsiya va qonunlar ustuvorligi ta'minlangan hamda inson huquqlari va erkinliklari himoyalangan huquqiy davlat qurishdir.

Adolatli va mustaqil sud tizimini yaratish orqali fuqarolarning odil sudlovga bo'lgan ishonchini mustahkamlash choralarini ko'ramiz. Fuqarolarga yengillik yaratish hamda sudlar faoliyatida sifat va samaradorlikni oshirish maqsadida har bir tuman va shaharda Fuqarolik ishlari bo'yicha sudlarni tashkil etamiz.

Fuqarolarning sud hokimiyatiga ishonchini oshirishda sudyalarning mustaqil bo'lishi muhim mezon bo'lib, sudyalarning huquqlarini yuqori darajada kafolatlash va ish yuklamalarini maqbullashtirish maqsadida "Sudyalarning maqomi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining qonunini ishlab chiqamiz.

"Adolat" SDP uchun oliy qadriyat bu – inson, uning huquq va erkinliklaridir! Shu maqsadda fuqarolarning huquq va erkinliklarini himoya qilishda huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatini samarali tashkil etish, ayniqsa, ichki ishlar organlari xodimlarining huquqiy madaniyati, inson huquqlariga rioya etish mas'uliyatini tubdan oshirish, mahallalardagi profilaktika inspektorlarining barchasi oliy yuridik ma'lumotga ega bo'lishini ta'minlash taklifini ilgari suramiz.

Davlat organlari yoki mansabdor shaxslarning qonunga xilof qarorlari, harakatlari yoki harakatsizligi tufayli yetkazilgan zararning o'rni davlat tomonidan qoplanishini nazarda tutuvchi "Davlat kompensatsiyasi to'g'risida" qonun qabul qilishni taklif etamiz.

Haydovchilar tomonidan yo'l harakati qoidalarini muntazam buzganlik uchun qonun hujjatlarida jazo choralarini kuchaytirish, shu jumladan, transport vositasini mast holda boshqargan yoki og'ir oqibatlariga sabab bo'lgan holatlarda umrbod haydovchilik huquqidan mahrum qilishni taklif etamiz.

Hududlarda deputatlar vakolatini kuchaytirish va ularning hokimlar bilan huquqiy munosabatlarda o'zaro tiyib turish mexanizmini takomillashtirish maqsadida mahalliy Kengash deputatlariga tegishli hokimlarga nisbatan ishonchsizlik votumi bildirish huquqini berish tarafdorimiz.

Biz jurnalist va blogerlarning qonun doirasidagi faoliyatiga biror-bir mansabdor shaxs aralashishi yoki ularga bosim o'tkazishini mutlaqo yo'l qo'yib bo'lmaydigan holat deb hisoblaymiz. Bunday qilmish uchun javobgarlik belgilashni taklif etamiz.

"Ko'p daromad topgan ko'p soliq to'laydi" tamoyiliga ko'ra hamda adolatli va samarali soliq va byudjet siyosatini amalga oshirish maqsadida soliqqa tortishning progressiv stavkalarini hayotga joriy etish va shu orqali daromadlar tengsizligini kamaytirishga erishamiz.

Biz adolat va qonun ustuvorligi uchun kurashamiz!

saylov.uz e-saylov.uz
[uzelections](https://www.facebook.com/uzelections) [electionsuz](https://www.facebook.com/electionsuz)

saylov.uz e-saylov.uz
[uzelections](https://www.facebook.com/uzelections) [electionsuz](https://www.facebook.com/electionsuz)

saylov.uz e-saylov.uz
[uzelections](https://www.facebook.com/uzelections) [electionsuz](https://www.facebook.com/electionsuz)

saylov.uz e-saylov.uz
[uzelections](https://www.facebook.com/uzelections) [electionsuz](https://www.facebook.com/electionsuz)

saylov.uz e-saylov.uz
[uzelections](https://www.facebook.com/uzelections) [electionsuz](https://www.facebook.com/electionsuz)



ГЕНЕРАЛЬНОЕ КОНСУЛЬСТВО
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
В ГОРОДЕ САНКТ-ПЕТЕРБУРГЕ

M | S | K
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

__ - ОКТЯБРЯ ДЕНЬ ДОСРОЧНОГО ГОЛОСОВАНИЯ

МОЯ РОДИНА, МОЙ ВЫБОР, МОЙ ГОЛОС!

Выборы в Законодательную палату Олий
Мажлиса Республики Узбекистан и в
депутаты Кенгаши народных депутатов

Адрес:



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
SANKT-PETERBURG SHAHRIDAGI
BOSH KONSULXONASI



__ -OKTABR

**MUDDATDAN OLDIN
OVOZ BERISH KUNI**

**MENING VATANIM,
MENING TANLOVIM,
MENING OVOZIM!**

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va
xalq deputatlari Kengashlari deputatlari saylovi

Manzil:



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
SANKT-PETERBURG SHAHRIDAGI
BOSH KONSULXONASI



27-OKTABR SAYLOV KUNI

**MENING VATANIM,
MENING TANLOVIM,
MENING OVOZIM!**

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va
xalq deputatlari Kengashlari deputatlari saylovi